

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАФАЕВ АЛИШЕР САЙФУЛЛАЕВИЧ

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНДЕНСАТИ КОНЛАРИДА ҚУДУҚЛАРНИ
ИШЛАТИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мустафаев Алишер Сайфуллаевич

Нефть ва газ конденсати конларида қудуқларни ишлатишнинг
самарали технологияларини ишлаб чиқиш 3

Мустафаев Алишер Сайфуллаевич

Разработка эффективных технологий эксплуатации скважин
нефтегазоконденсатных месторождений 21

Mustafayev Alisher Sayfullayevich

Development of effective technologies for the operation of wells of oil and
gas condensate fields 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.T.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАФАЕВ АЛИШЕР САЙФУЛЛАЕВИЧ

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНДЕНСАТИ КОНЛАРИДА ҚУДУҚЛАРНИ
ИШЛАТИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1929 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.tdtu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Махмудов Назирилла Насимханович техника фанлари доктори, профессор
Расмий тақризчилар:	Агзамов Аваз Хамидиллаевич техника фанлари доктори, профессор
	Закиров Азамжон Алимджанович техника фанлари доктори, доцент
Ётақчи ташкилот:	Бухоро муҳандислик технологиялари институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/05.06.2020.T.03.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил "28" 02 соат "10⁰⁰" даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2, Муҳандислик технологиялари факультети, 215-хона. Тел/факс: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 243 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2, Тел: (+99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2022 йил "12" 02 кун тарқатилди.
(2022 йил "___" _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



Рахимов А.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори

Каримов Ш.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Алиев Б.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда узок ишлатилаётган конлардан нефть чиқариб олиш коэффициентининг (НЧОК) эришилган ўртача катталигининг қониқарсизлиги сабабли ҳамма нефтгаз олувчи давлатларнинг асосий муаммоларидан бири сўнгги ишлаш давридаги конларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда нефть олиш суръати ва қолган захираларни чиқариб олиш даражасини ошириш бўйича конларда амалга оширилган ишлаш системаларини ва технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда сўнгги ишлатиш давридаги нефтгазконденсат конларининг ишлаш системалари самарадорлигининг ривожланиши қўлланилаётган нефть олиш технологияларини бошланғичдан кудуклардан олинаётган маҳсулотларнинг юқори сувланганлиги, қатлам босимининг катта камайганлиги ва бошқа кўрсаткичлар билан фарқ қилувчи, янги геологик-физик шароитга мослаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, нефтгазконденсат конларининг ишлаш жараёнида ҳар бир кудукнинг ишлатиш технологиясига мураккаблаштирувчи омиллар ҳисобга олиниб, ўзгартиришлар киритишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда нефтгазконденсат конларининг ишлаш самарадорлигини амалдаги ва сув оқимини беркитиш, қатламни радиал очиш, горизонтал кудукларни бурғилаш, қатламни кудук туби атрофига таъсир этиш методлари каби янги технологияларни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда саноат тармоқлари фаолиятини янги геологик босқичга олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш...”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, қолдиқ нефть захираларини чиқариб олиш даражасини оширувчи, нефтгазконденсат конларининг сўнгги ишлаш давридаги геологик-физик шароитларга мослаштирилган нефть олиш технологияларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хомашёларини қазиб чиқаришни ошириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефтгазконденсат конларидан нефть чиқариб олиш технологияларини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқишга кўп сонли назарий, кон ва экспериментал тадқиқотлар бағишланган.

Нефтгазконденсат конларининг турли геологик-физик шароитларида таклиф этилган нефть чиқариб олиш технологияларининг самарадорлигини ўрганишга Р.С.Хисамов, А.Ф.Яртаев, Д.Г.Антониади, О.М.Керимов, А.А.Макеев, А.Х.Шахвердиев, А.Г.Рзаев, А.М.Акульшин, В.С.Бойко, И.Т.Мищенко, Т.Е.W.Nind, Ю.В.Зайцев, А.Х.Ибрагимов, Ф.С.Абдулин, М.Л.Сургучев, В.И.Колганов, А.В.Гавура, В.А.Ихтисанов, Ф.И.Котяхов, В.Н.Кошелев, В.Д.Лысенко, А.И.Четиркин, В.И.Азаматов ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари бағишланган.

Ушбу муаммони Ўзбекистондаги нефтгазконденсат конларида ўрганишга С.Н.Назаров, Э.К.Ирматов, А.Х.Агзамов, У.С.Назаров, Н.Н.Махмудов, А.А.Закиров, А.У.Назаров, Б.Ш.Акрамов, Р.К.Сидиқхўжаев, Н.Х.Эрматов М.А.Турсунов, А.А.Агзамов ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Фаннинг замонавий ривожланиш ҳолати конлар ишлаш ҳолатининг ўзгариш шароитларида, айниқса сўнгги ишлатиш даврида, нефть чиқариб олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган технологияларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш заруриятини талаб этади.

Шу сабабли, қатлам босимининг катта тушган, кудуклар маҳсулдорлигининг пасайган, олинаётган маҳсулотнинг юқори сувланган шароитларида, нефть олишнинг юқори суръатларига эришишга йўналтирилган янги илмий-техник қарорларини топиш зарур.

Муборак нефтгаз қазиб олиш бошқармасидаги (НГҚОБ) нефтгазконденсат конларининг кўп йиллик тажрибаси ҳозирги вақтгача қатлам босимининг гидростатикадан камайган шароитида, кудукларни газлифт усулда ишлатишда газни оптимал тақсимлаш вазифаси тўлиқ ҳал этилмаганлигини кўрсатмоқда. Паст қатлам босимларида сувнефть эмульсияларини парчалаш ва кимёвий реакция маҳсулотларини тўлиқ чиқариб ташлаш вазифаларини қамраб олган кудуқ туби атрофига таъсир этиш методларини ҳам ривожлантириш талаб этилади.

Ушбу вазифаларнинг ечими газлифт кудуклари фондидан самарали фойдаланиш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда якуний натижада маҳсулдор қатламлардан нефть олиш суръатини ва НЧОК ошириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муборак НГҚОБ, “ЎзЛТИНефтгаз” АЖ ва “ИГРНИГМ” АЖ тармоқ институтлари ҳамкорлигидаги илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ПМ 19.01/12.12 “Жанубий Кемачи конининг таҳлили ва ишлаш лойиҳасига қўшимчалар”, № ПМ19.05/14.15 “Жанубий Кемачи конининг ишлаш лойиҳасига қўшимчалар”, № ПМ 19.13/09.10 “Крук конининг аниқланган ишлаш лойиҳаси”, № 65-пуд-13 “Шўртепа конининг жорий ишлаш ҳолатини таҳлили” мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сўнгги ишлатиш давридаги нефтгазконденсат конларининг ишлаш самарадорлигини ва маҳсулдор қатламлардан нефть чиқариб олиш даражасини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефтгазконденсат конларининг жорий ишлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва сўнгги ишлатиш босқичида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш;

қатлам босимининг гидростатикадан паст бўлган шароитларида кудуқларни газлифт усулида ишлатиш самарадорлигини ўрганиш;

газлифт кудуқларига ҳайдалаётган газни оқилона тақсимлаш бўйича технологик қарорларни ривожлантириш;

паст қатлам босими шароитида қатламнинг кудуқ туби атрофига кислотали ишлов беришнинг паст самарадорлиги сабабларини ўрганиш;

сувнефть эмульсиялари ҳосил бўлиши шароитида қатламнинг кудуқ туби атрофига кислотали ишлов бериш самарадорлигини ошириш бўйича технологик қарорларни ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сўнгги ишлаш даврида бўлган Муборак нефтгаз қазиб олиш бошқармасининг нефтгазконденсат конлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини сўнгги ишлаш давридаги нефтгазконденсат конларида кудуқларни газлифт усулида ишлатиш ва паст қатлам босими шароитида қатламнинг кудуқ туби атрофига кислотали ишлов бериш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ечишда геологик-кон маълумотларини системалаштириш ва умумлаштириш, кудуқларни ишлатиш кўрсаткичларини статистик ўрганиш, лаборатория-экспериментал тадқиқот ва конларида амалга оширилган технологияларни иқтисодий баҳолаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ҳар бир кудуққа технологик режимда ўрнатилган ҳажмларда дифференциаллашган газ беришни таъминловчи, газ ҳайдаш системасига босим регуляторини улаш таклиф этилган газлифт кудуқларини ишлатиш технологияси ишлаб чиқилган;

ҳайдалаётган газнинг қатламга кетиб қолишини бартараф этиш имконини берувчи, перфорация қилинган насос компрессор қувурларининг

ички ва ташқи бўшлиқларини шарлар билан ажратувчи газлифт қудуқларини ишлатиш технологияси ишлаб чиқилган;

кувурлар эзилган қудуқларда изоляция ишларини тушириш-кўтариш операцияларисиз бажариш имконини берувчи, аввал зичлиги ортиб, кейин эса камайиб борувчи цемент аралашмасини кетма-кет ҳайдаш йўли билан сув оқимини изоляция қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

ҳосил бўлган сув-нефть эмульсиясини парчалаш имконини берувчи, хлорид кислотани ва еювчи натрийни кетма-кет ҳайдашга асосланган қатламнинг қудуқ туби атрофига кислотали ишлов бериш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қудуқларни ўрнатилган ишлатиш режимларида ишлатиш имконини берувчи, газлифт қудуқларига ҳайдалаётган газ ҳажмини оптимизациялаш технологияси ишлаб чиқилган;

асбоб-ускуналарни ишлатишга сарфланадиган энергия сарфларини камайтириш имконини берувчи, конларни бошланғич ишлатиш даврида ўрнатилган катта қувватли асбоб-ускуналарни конларнинг якуний ишлатиш босқичида кичик қувватлиларига алмаштиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кувурлар бирикмасида эзилиш бўлган қудуқларни ишлатишга қайтариш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги конларнинг амалий ва прогноз қилинган ишлатиш кўрсаткичларини таққослаш, технологиялар самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолаш натижалари ва қудуқларнинг ўрта суткалик динамикаси боғлиқликларининг юқори корреляция коэффициентлари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефтгазконденсат конларининг сўнгги ишлатиш босқичида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни тизимли умумлаштириш, газлифт усулида ишлатилаётган қудуқларни ишлатиш самарадорлигини ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича технологик қарорларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти газлифт усулида ишлатилаётган қудуқларга ҳайдалаётган газ ҳажмларини оптимал тақсимлашни ва уларнинг қатламга кетиб қолишини камайтиришни асослашдан, қувурлар бирикмасида эзилиш бўлган қудуқларда сув оқимларини беркитиш ва сувнефть эмульсияси ҳосил бўлиш шароитларида қудуқлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялардан иборат бўлиб, якуний натижада нефтгазконденсат конларидаги маҳсулдор горизонтлардан нефтни чиқариб олиш коэффициентининг ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть ва газ конденсати конларида қудуқларни ишлатишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотнинг олинган илмий натижалари асосида:

кувурлар бирикмасида эзилиш бўлган кудукларда сув оқимини беркитиш технологияси Муборак НГҚОБнинг Ўртабулоқ газконденсат конининг №№ 42, 217 кудукларида жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/22-2-2355-сон маълумотномаси). Натижада, кудукларни қайта ишлатишга тушириш ва 2015-2018 йиллар давомида кудуклар дебитини ошириб 98,7 млн.м³ газ ва 86 т қўшимча конденсат қазиб олиш имконини берган;

сувнефть эмульсиясининг ҳосил бўлиш шароитида кислотали ишлов бериш технологияси Муборак НГҚОБнинг Кўкдумалоқ нефтгазконденсат конидаги №№ 32, 82, 297, 444 – сонли кудукларида жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/22-2-2355-сон маълумотномаси). Натижада, кудукларнинг дебитини оширишга эришилиб, 2014-2018 йиллар давомида 7257,6 т қўшимча нефть қазиб олиш имконини берган;

катта қувватли ЦНС-630/700 марказдан қочма насосни нисбатан кичик қувватли НКВ-1000/2000 га алмаштириш бўйича тавсия Муборак НГҚОБнинг Кўкдумалоқ нефтгазконденсат конида жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 21 сентябрдаги 03/22-2-2355-сон маълумотномаси). Натижада, энергия сарфини камайтиришга эришиш ва иқтисодий самара олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 8 та нашрда эълон қилинган, улардан 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий-техник журналларда чоп этилган. Илмий-техник анжуманларда 5 та илмий ишлар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, умумий хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муборак НГҚОБ нефть ва нефтгазконденсат конларининг жорий ишлатиш ҳолати ва муаммолари”** номли биринчи

бобида Муборак НГҚОБ конларининг жорий ишлаш ҳолати таҳлили ва муаммолари келтирилган.

Муборак НГҚОБ балансида 01.01.2019 йил ҳолатига кўра нефть уюмлари бўлган 47 кон борлиги, улардан 37 таси ишлатишда, 10 таси ўзлаштириш ёки вақтинчалик консервациядалиги кўрсатилган. Муборак НГҚОБ конлари бошланғич фазавий ҳолати ва ер қаъридаги нефть уюмларининг асосий углеводород бирикмалари таркибига кўра асосан икки фазали турига мансуб. Бунда уюмнинг нефтга тўйинган ҳажмини бутун уюм ҳажмига нисбатига кўра улар нефтгазли, нефтгазконденсатли ва нефть хошияли нефтгазконденсатли турларга ажратилади.

Муборак НГҚОБ ишлатаётган конларнинг қарқ қилувчи хусусияти 70 % дан ортиқ олинган нефть захираларининг бешта Кўкдумалоқ, Шимолий Ўртабулоқ, Крук, Жанубий Кемачи ва Умид конларида жамланганлигидир. Қолган конлардаги нефть уюмларининг нефтга тўйинган самарали қалинлиги 10 м дан кам ва улар захиралари бўйича кичик конлар тоифасига мансуб.

Нефть уюмлари бўлган деярли ҳамма конлар охирги, асосан тўртинчи, ишлаш босқичидадирлар (1-жадвал). 01.01.2019 йил ҳолатига эришилган нефть чиқариб олиш коэффициенти уюмларни геологик-физик шароитларига ва жорий этилган ишлатиш системаларига боғлиқ равишда жуда катта ораликда 20% дан 54,6% гача ўзгаради. Энг катта нефть чиқариб олиш коэффициентлари сув ҳайдаш йўли (Шимолий Ўртабулоқ, Крук) ва газ рециркулясини сув бостириш (Кўкдумалоқ) билан қатлам босимини сақлаш усуллари қўллаб ишлатилаётган массив туридаги уюмларда эришилган: Кўкдумалоқ – 54,6%, Шимолий Ўртабулоқ – 43,9% ва Крук – 39,7%.

Нефтгаз ва нефтгазконденсат конларининг жорий ишлатиш ҳолатига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- қатлам босимининг катта тушганлиги ва қатлам энергиясининг камайганлиги;

- қудуқлар маҳсулотининг катта сувланганлиги ва ортиб бориши;

- қудуқлар дебитининг камайиши;

- максимал нефть олиш ва бошланғич қатлам босими шароити учун лойиҳалаштирилган асбоб-ускуналар қувватининг бир қисмининг бўшаши.

Муборак НГҚОБ конларида қолдиқ нефть захираларини чиқариб олиш мақсадида, жорий қудуқлар фонди билан ишлашга жалб этилмаган зоналарда бошланғич тўрни зичлаштирувчи қудуқлар бурғиланмоқда. Бироқ, бошланғич қатлам босимининг катта пасайганлиги сабабли, уларни бурғилашда қуйидаги мураккабликлар юзага келмоқда:

- бурғилаш эритмасини ва маҳсулдор интервалларни мустаҳкамлашда ҳайдалаётган цементнинг ютилиши;

- қувурлар бирикмасида цемент эритмасининг қотиб қолиши ва авария ҳолатларининг юзага келиши;

- ён томонга ствол очишда юзага келадиган қийинчиликлар.

Паст қатлам босими шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнидаги мураккаблашишларни олдини олиш учун талабгор томонидан қуйидагилардан иборат технология таклиф этилган:

- қудуқни бурғилаш;
- мустаҳкамловчи қувурлар бирикмасини ва фильтрли қувур ва пакерли насос-компрессор қувурларини (НКҚ) тушириш;
- нефть ва газни олиш.

Мустаҳкамловчи қувурлар бирикмаси маҳсулдор қатлам тубигача туширилиб, кейин уюмнинг маҳсулдор қисми бурғиланади. Уюмнинг маҳсулдор қисми бурғиланиб бўлгандан сўнг қудуқнинг очик стволига НКҚБ туширилади, уларга камида иккита пакер шундай ўрнатиладики; биринчи пакер қувурлар орасидаги бўшлиқда жойлаштирилади, иккинчиси жорий газ-нефть туташ юзаси (ГНТЮ) остига очик стволга жойлаштирилади. Бунда фильтрли қувурни биринчи пакер устидаги қувурлар оралиғига ўрнатилади, нефть ва газ олишни очик қудуқ тубидан газлифт усулда амалга оширилади.

Бундан ташқари:

- жорий сувнефть туташ юзаси сатҳи устида учинчи пакер ўрнатилади;
- иккинчи ва учинчи пакерлар оралиғида фильтрли қувур ўрнатилади;
- қудуқни сув босгандан сўнг пакерлар олинади, насос-компрессор қувурлари кўтарилади, каротажнинг электрик ва нейтрон усуллари ўтказилади, қудуқнинг бошланғич геофизик тадқиқотлари (ҚГТ) билан таққосланади, жорий нефть ва газга тўйинганлик аниқланади, нефть ва газга тўйинган интерваллар бўлса, пакерли НКҚ шу тартибда қайта туширилади ва нефть ва газ олиш давом эттирилади. Қудуқни тўлиқ сув босса, цикл яна қайтарилади;

- қудуқнинг очик стволини тўлиқ сув босгандан сўнг, очик стволда ишлатиш билан қамраб олинмаган нефть ва газга тўйинган интервалларга ёнлама стволни бурғилаш амалга оширилади.

Шундай қилиб, маҳсулдор қатлам мустаҳкамланмаган қудуқнинг очик стволига цементиқсиз пакерли насос-компрессор қувурлари ва фильтрли қувурлар туширилади. Қудуқ ишлатишга туширилиб, нефть ва газ олиш амалга оширилади. Бунда маҳсулдор қатлам очик қолиб, қудуқ энг катта самарадорлик билан ишлайди, мустаҳкамловчи қудуқлар тежалади, аварияларга олиб келиши мумкин бўлган цементлаш жараёнидаги мураккабликларнинг олди олинади.

01.01.2019 йил санасига эришилган жорий нефть, газ ва конденсат чиқариб олиш коэффициентлари


№№	Конлар	Горизонт	Чиқариб олиш коэффициенти, %			Ишлатиш босқичи
			Нефть	Газ	Конденсат	
1	Қоровулбозор	XIII	6,77	98,0	-	Тўртинчи
2	Қоровулбозор	XV	1,84	144,1	-	Тўртинчи
3	Шўрчи	XV	15,39	57,78	-	Тўртинчи
4	Шўрчи	XVI	8,50	29,5	-	Тўртинчи
5	Шўрчи	XVII	6,22	19,7	-	Тўртинчи
6	Жарқоқ	XIII	42,81	93,9	-	Тўртинчи
7	Жарқоқ	XV	9,32	4,5	-	Тўртинчи
8	Шўртепа	XIII	46,13	87,5	-	Тўртинчи
9	Кўкдумалок	XV-HP+XV-P	54,59	-	32,12	Тўртинчи
10	Кўкдумалок риф ости	XV-HP	3,05	-	-	Тўртинчи
11	Шимолий Ўртабулок	XV-P+XV-HP	43,92	-	-	Тўртинчи
12	Крук	XV-P+XV-HP	39,69	-	-	Тўртинчи
13	Ғарбий Крук	XV-HP+XV-P	10,95	2,12	-	Тўртинчи
14	Умид	XV-HP+XV-P	5,16	71,58	54,17	Тўртинчи
15	Жанубий Кемачи	XV-HP+XV-P	5,39	79,10	77,7	Тўртинчи
16	Арнийёз	XV-HP+XV-P	4,76	0,43	-	Тўртинчи
17	Сариқум	XV-HP	14,33	-	-	Учинчи
18	Жейнов	XV-HP+XV-P	14,58	95,0	94,6	Тўртинчи
19	Сардоб	XVa+ XV-P	20,88	97,2	-	Тўртинчи
20	Шимолий Памук	XV-HP+XV-P	3,00	60,7	62,2	Тўртинчи
21	Чегара	XV-HP+XV-P	3,85	-	-	Тўртинчи

Диссертациянинг “Қатлам босимининг фавворланиш босимидан кичик шароитларида қудуқларни ишлатиш усулини такомиллаштириш” номли иккинчи бобида нефтгазконденсат конларининг охириги ишлаш босқичида газ дўпписидан ёриб кираётган газлар бўлмаганда қудуқларни фаввора усулда ишлатиш шароити бажарилмаганлиги кўрсатилган. Шу сабабли Кўкдумалок, Крук, Шимолий Ўртабулоқ, Жанубий Кемачи конларида қудуқларнинг фаввораланиш даврини узайтириш учун, газни тайёрлаш ва махсус қудуқ усти жиҳозларини талаб этмайдиган, қудуқ ичра газлифт усулида ишлатишга ўтказилди.

Муборак НГҚОБнинг нефтгазконденсат конларида қудуқларни компрессорсиз ва компрессорли газлифт усулларида ишлатиш тажрибаси мураккаблаштирувчи кўплаб омиллар борлигини кўрсатди, улар жумласида:

- нефть ва газ олиш сабабли қатламнинг самарали нефтга тўйинган қалинлигининг ўзгариши;
- қатлам босимининг тушиб бориши билан маҳсулдор қатламларни ютиш имкониятининг ортиб бориши;
- қудуқлар маҳсулдорлигининг камайиши;
- қудуқлар маҳсулотининг сувланаганлигининг ошиб бориши;
- сув-нефть эмульсияларининг ҳосил бўлиши;
- қудуқларнинг маҳсулдор қатлам ҳажмида ҳамда ер усти коммуникациялари орқали ўзаро таъсир этиши ва бошқалар.

Газлифт усулида нефт қазиб олишнинг амалга ошириш схемаси




1-расм. Газлифт усулида скважиналарини ишлатиш схемаси

1-газ олувчи скважиналар; 2-компрессор; 3-газ ҳайдаш системаси; 4-газлифт скважиналари; 5-босим регулятори; 6-газ ҳайдаш скважинаси.

Бунда газлифт қудуқларига етарли ҳажмда газ берилмаса, улар суюқлик билан босилиб қолади, катта ҳажмда газ берилганда эса соф газга ўтиб кетади, яъни иккала ҳолда ҳам суюқлик юзага олиб чиқилмайди. Бу муаммо газлифт қудуқлари ва газ ҳайдаш қудуқлари уланган, газ ҳайдаш системасига босим регуляторини қўшиш йўли билан ҳал этилган (1-расм). Босим регулятори орқали ҳар бир газлифт қудуғига берилаётган газ ҳажмини ўзгартириш орқали

уларни технологик режимда ўрнатилган газ сарфи билан ишлатиш таъминланади.



2-расм. Газлифт скважиналарини ишлатиш схемаси

Қудуқ туби босими гидростатик босимдан кичик қудуқларни газлифт усулда ишлатиш тажрибаси ҳайдалаётган газнинг бир қисмининг қувурлар бирикмаси ташқарисидан перфорацион тешиқлар бўйлаб қатламга кетиши билан мураккаблашади.

Бу муаммони ҳал этиш учун қувурлар бирикмасининг ички ва ташқи бўшлиқларини насос-компрессор қувурларини перфорация қилиб шар билан


ажратишга асосланган технология таклиф этилган, натижада ҳайдалаётган газнинг қатламга кетиш имконияти йўқолади.

Ушбу технологияда қудукда 1 қатлам-2 босими гидростатик босимдан камайганда НКҚни 3 туширишдан олдин НКҚ бошмоғига 3 седло 5 ўрнатилади (2-расм).

Қудукқа седлоли 5 НКҚ 3 туширилгандан сўнг шар 6 ташланиб, қувур ташқариси бўшлиғидан 9 газ 7 берилади. Шар 6 қувур ичи бўшлиғини 8 қудук ташқариси бўшлиғидан 9 ажратади ва ҳайдалаётган газнинг 7 қатламга 2 кетишига йўл бермайди. Кейин НКҚга, мустаҳкамловчи қувурлар бирикмаси бузилишининг олдини олувчи, экранли перфоратор туширилиб ҳисобланган интервалда НКҚнинг перфорацияси амалга оширилади.

Газ 7 қувур ичи бўшлиғига 8 берилганда, газ 7 тешиклар 10, 11 чиқиб, суюқликни 12 юзага олиб чиқади. Бунда НКҚдаги 3 юқори тешик 10 кичик диаметрда қилиниб, у асосан қувур ташқи бўшлиғининг 8 юқори қисмида суюқликни газсизлантиришга хизмат қилади, пастки тешик 11 катта диаметрда қилиниб, суюқликни кўтаришга хизмат қилади.

Ушбу технологияда қимматли пакердан фойдаланиш зарурияти йўқолади. Қайд этиш лозимки технологиянинг вариантларидан бири кичикдан катта ўлчамли турли диаметрли бир нечта седлоларни ўрнатиш ҳисобланади. Бундан ташқари НКҚни перфорация қилиб, узоқ муддат ишламаётган қувурларни ўзлаштиришни амалга ошириш мумкин.



3-расм. Ўртабулоқ кони № 42 скважинасининг ўртача кунлик газ дебити динамикаси

Шундай қилиб фаввораланиши тўхтаган ва маҳсулоти камайган қудукларда НКҚни перфорация қилиб шар ёрдамида қувр ички ва ташқи

бўшлиқларини ажратишдан фойдаланиш нефтгазконденсат конларини ишлатиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Кудукларда амалга оширилаётган геологик-техник тадбирларнинг асосий қисми сув оқимини беркитиш эканлиги кўрсатилган. Сув оқимини беркитишда фойдаланилаётган технологиялар қуйидагиларга асосланган: буфер суyoқлигини ажратувчи моддани ва структура ҳосил қилувчиларни ҳайдаш; қатлам шароитида қотувчи синтетик қатронли тампонаж таркибларидан фойдаланиш; сульфат кислотаси ва полиамидни ҳайдаш; полиакриламид ва кислоталари гель ҳосил қилувчи аралашмаларни ҳайдаш ва бошқ. Уларнинг ҳаммасида ўзига хос камчиликлар мавжуд. Ушбу технологияларнинг ҳаммасига сув оқимини қувурлар бирикмасида эзилиш бўлган кудукларда беркитиб бўлмаслиги ҳисобланади.

Қувурлар бирикмасида эзилиш бўлган кудукларда тушириш-кўтариш операциясини амалга оширмай сув оқимини беркитиш технологияси таклиф этилган. Ушбу технология дастлаб кудук стволида бўлган суyoқликни қатламга босиб киритиб юборишни, кейин кудукқа зичлиги 1,2 дан 1,6 г/см³ гача ошириб ва сўнгра зичлиги 1,0 г/м³ гача камайиб борувчи цемент аралашмасини ҳайдашни назарда тутди. Цемент аралашмаси якунида ҳаво ёки газ билан босиб юборилади. Таклиф этилган сув оқимини беркитиш технологияси Ўртабулоқ газконденсат конидаги №№ 42, 217 кудукларда жорий этилиб, уларни қайта ишлатишга киритиш ва 01.01.2015 йилдан 31.12.2018 йилгача қўшимча 98.7 млн.м³ газ ва 86 т конденсат олиш имконини берди (3-расм).

Қўшимча олинган газ ва конденсат базавий вариантдаги (тадбир ўтказмасдан олдинги) ва амалий (тадбир ўтказилгандан кейин) кудуклар дебитининг фарқи сифатида ҳисобланади. 4-расмдан кўриниб турибдики № 42 скважинанинг газ бўйича ўртача кунлик дебити динамикаси технология қўлланилгунча ва кейинги даврларда тўғри чизиқли боғлиқликка эга:

- тадбир ўтказилгунга қадар давр учун

$$Q_T = 104,65 - 18,12 \cdot t, \quad (1)$$

(корреляция коэффиценти – 0,88);

- тадбир ўтказилгандан кейинги давр учун

$$Q_T = 221,87 - 33,05 \cdot t, \quad (2)$$

(корреляция коэффиценти – 0,96)

Диссертациянинг “Нефтгазконденсат конларини якуний ишлатиш босқичида кудуклар маҳсулдорлигини ошириш” номли учинчи бобида Муборак НГҚОБ ишлатилаётган конларидаги маҳсулдор горизонтлари асосан юқори юра ётқизикларининг оҳактошлари билан ифодаланганлиги ва шу сабабли кудукларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қатламни кудук туби атрофига кислотали аралашмалар билан ишлов бериш энг кенг тарқалганлиги кўрсатилган.

Нефть уюмларининг геологик-физик шароитларининг ва кудукларни ишлатиш усулларининг турлилиги сабабли кислотали ишлов беришнинг турли содификациялари қўлланилмоқда. Қатламнинг кудук туби атрофига

қадар туширилади, сувли қатлам шипи ва нефтли қатлам ости оралиғида НКҚда тешиқлар очилади, НКҚдаги тешиқлар орқали газ ҳайдалиб, қувурлар ташқарисидаги бўлиқдан қатлам суви нефтли қатламга сиқиб чиқариш йўли билан сувнефть эмульсияси прачаланади. Сувнефть эмульсияси парчалангандан сўнг қувурлар бирикмаси ташқи бўшлиғи очилиб, нефть олиш амалга оширилади (4-расм).

Сувнефть эмульсияси ҳосил бўлиш шароитида кислотали ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги жараёнлардан иборат технология таклиф этилган: қудуқ стволидаги суықликни қатламга ҳаво билан босиб юбориш, хлорид кислотанинг биринчи порциясини ҳайдаш, ўткир натрийни ҳайдаш ва уни қатламга ҳаво билан босиб юбориш ва хлорид кислотанинг иккинчи порциясини ҳайдаш. Ушбу технологияни Кўкдумалоқ конидаги №№ 32, 82, 297, 444 қудуқларда жорий этиш натижасида 01.01.2014 йилдан 31.12.2016 йилгача давр мобайнида қўшимча 7257,6 т нефть олишга эришилди.

ХУЛОСА

“Нефть ва газ конденсати конларида қудуқларни ишлатишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация тадқиқотлари натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар ва амалий таклифлар шакллантирилган.

1. Ҳозирги вақтда Муборак НГҚОБдаги нефть уюмлари бўлган ҳамма конлар якуний асосан тўртинчи ишлаш босқичидадир 01.01.2019 йил ҳолатига эришилган нефть чиқариб олиш коэффициентлари уюмларни геологик-физик шароитларига ва жорий этилган ишлатиш системаларига боғлиқ равишда жуда катта оралиқда 20% дан 54,6% гача ўзгаради. Энг катта нефть чиқариб олиш коэффициентлари сув ҳайдаш йўли (Шимолий Ўртабулоқ, Крук) ва газ рециркуляциясини сув бостириш билан (Кўкдумалоқ) билан қатлам босимини сақлаш усуллари кўплаб ишлатилаётган массив туридаги уюмларда эришилган: Кўкдумалоқ – 54,6%, Шимолий Ўртабулоқ – 43,9% ва Крук – 39,7%.

2. Нефтьгаз ва нефтьгазконденсат конларининг жорий ишлатиш ҳолатига қуйидаги хусусиятлар ҳосилдир:

- қатлам босимининг катта тушганлиги ва қатлам энергиясининг камайганлиги;
- қудуқлар маҳсулотининг катта сувланганлиги ва ортиб бориши;
- қудуқлар дебитининг камайиши;
- максимал нефть олиш ва бошланғич қатлам босими шароити учун лойиҳалаштирилган асбоб-ускуналар қувватининг бир қисмининг бўшаши.

3. Муборак НГҚОБнинг нефтьгазконденсат конларида қудуқларни компрессорсиз ва компрессорли газлифт усулларида ишлатиш тажрибаси мураккаблаштирувчи кўплаб омиллар борлигини кўрсатди, улар жумласида:

- нефть ва газ олиш сабабли қатламнинг самарали нефтьга тўйинган қалинлигини ўзгариши;

- қатлам босимининг тушиб бориши билан маҳсулдор қатламларни ютиш имкониятининг ортиб бориши;

- кудуқлар маҳсулдорлигининг камайиши;

- кудуқлар маҳсулотининг сувланганлигининг ошиб бориши;

- сув-нефть эмульсияларининг ҳосил бўлиши;

- кудуқларнинг маҳсулдор қатлам ҳажмида ҳамда ер усти коммуникациялари орқали ўзаро таъсир этиши ва бошқ.

4. Газлифт кудуқларига етарли ҳажмда газ берилмаса, улар суюқлик билан босилиб қолади, катта ҳажмда газ берилганда эса соф газга ўтиб кетади, яъни иккала ҳолда ҳам суюқлик юзага олиб чиқилмайди. Бу муаммо газлифт кудуқлари ва газ ҳайдаш кудуқлари уланган, газ ҳайдаш системасига босим регуляторини қўшиш йўли билан ҳал этилган. Босим регулятори орқали ҳар бир газлифт кудуғига берилаётган газ ҳажмини ўзгартириш орқали уларни технологик режимда ўрнатилган газ сарфи билан ишлатиш таъминланади.

5. Кудуқ туби босими гидростатик босимдан кичик кудуқларни газлифт усулда ишлатиш жараёнида ҳайдалаётган газнинг бир қисмининг қувурлар бирикмаси ташқарисидан перфорацион тешиклар бўйлаб қатламга кетиши билан мураккаблашиши кўрсатилган. Бу муаммони ҳал этиш учун қувурлар бирикмасининг ички ва ташқи бўшлиқларини насос-компрессор қувурларини перфорация қилиб шар билан ажратишга асосланган технология таклиф этилган, бу эса ҳайдалаётган газнинг қатламга кетиб қолишига имкон бермайди.

6. Кудуқларда амалга оширилаётган геологик-техник тадбирларнинг асосий қисми сув оқимини беркитиш эканлиги кўрсатилган. Қувурлар бирикмасида эзилиш бўлган кудуқларда тушириш-кўтариш амалга оширмай сув оқимини беркитиш технологияси таклиф этилган. Ушбу технология дастлаб кудуқ стволида бўлган суюқликни қатламга босиб киритиб юборишни, кейин кудуққа зичлиги 1,2 дан 1,6 г/см³ гача ошириб ва сўнгра зичлиги 1,0 г/м³ гача камайиб борувчи цемент аралашмасини ҳайдашни назарда тутди. Цемент аралашмаси яқунда ҳаво ёки газ билан босиб юборилади. Таклиф этилган сув оқимини беркитиш технологияси Ўртабулоқ газконденсат конидаги №№ 42, 217 кудуқларда жорий этилиб, уларни қайта ишлатишга киритиш ва 01.01.2015 йилдан 31.12.2018 йилгача қўшимча 98.7 млн.м³ газ ва 86 т конденсат олиш имконини берди.

7. Муборак НГҚОБдаги конларнинг маҳсулдор қатламлари асосан юқори юра ётқизикларининг оҳактошлари билан ифодаланган. Шу сабабли кудуқларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун қатламнинг кудуқ туби атрофига кислотали аралашмалар билан ишлов бериш энг кўп тарқалган. Нефть уюмларининг геологик-физик шароитларини ва кудуқларни ишлатиш усуллариининг турлилиги сабабли кислотали ишлов беришнинг турли модификациялари қўлланилмоқда. Қатламнинг кудуқ туби атрофига ишлов бериш тажрибаси усулнинг самарадорлигининг қуйидаги сабаблар туфайли камаяётганлигини кўрсатмоқда:

- ишчи эритмаларнинг юқори ўтказувчан ва аввал ишлатилган қатлам интервалларида ютилиши;

- қатламнинг қудуқ туби атрофига ишлов берилгандан сўнг юқори ўтказувчан интерваллардан сувнинг тез ёриб кириши;

- қатлам босими кичиклиги сабабли кимёвий реакция маҳсулотларининг қатламнинг қудуқ туби атрофидан тўлиқ тозаланмаслиги;

- сувнефть эмульсияларининг ҳосил бўлиши.

8. Сувнефть эмульсияси ҳосил бўлиш шароитида кислотали ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги жараёнлардан иборат технология таклиф этилган: қудуқ стволидаги суюқликни қатламга ҳаво билан босиб юбориш, хлорид кислотанинг биринчи порциясини ҳайдаш, ўткир натрийни ҳайдаш ва уни қатламга ҳаво билан босиб юбориш ва хлорид кислотанинг иккинчи порциясини ҳайдаш. Ушбу технологияни Қўқдумалоқ қонидаги №№ 32, 82, 297, 444 қудуқларда жорий этиш натижасида 01.01.2014 йилдан 31.12.2016 йилгача давр мобайнида қўшимча 7257,6 т нефть олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 03/05.06.2020. Т.03.06 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУСТАФАЕВ АЛИШЕР САЙФУЛЛАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ЭКСПЛУАТАЦИИ
СК ВАЖИН НЕФТЕГАЗОКОНДЕНСАТНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

04.00.13 - Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T1929.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Махмудов Назирилла Насимханович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Агзамов Аваз Хамидиллаевич доктор технических наук, профессор Закиров Азамжон Алимджанович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 29 02 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.03/05.06.2020.T.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2, факультет инженерных технологий, ауд. 215. Тел.: +(99871) 246-46-00, факс: +(99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за №243 (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: +(99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан 12 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).



А.А. Рахимов
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор технических наук

Ш.А. Каримов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Б.А. Алиев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из основных проблем всех нефтегазодобывающих стран является повышение эффективности разработки месторождений, находящихся на поздней стадии эксплуатации, так как достигнутые средние величины коэффициента извлечения нефти (КИН) длительно разрабатываемых месторождений во всех странах являются неудовлетворительными. В этом направлении совершенствование реализованных на данных месторождениях систем разработки и технологий добычи имеет важное значение для увеличения текущих темпов отбора и степени извлечения остаточных запасов нефти.

В мире проводятся научные исследования, направленные на соответствующие новые геолого-физические условия, отличающиеся от первоначальных применяемых технологий добычи нефти с высокой обводнённостью продукции из скважин, значительным снижением пластового давления и другими показателями в развитии эффективности систем разработки нефтегазоконденсатных месторождений, находящихся на поздней стадии эксплуатации. В этом отношении особое внимание уделяется внесению изменений, учитывая усложняющие факторы технологии эксплуатации каждой скважины в процессе разработки нефтегазоконденсатных месторождений.

В республике проводятся научные исследования по повышению эффективности разработки нефтегазоконденсатных месторождений и достигаются определенных результатов при применении как традиционных, так и новых технологий, таких как изоляция водопритоков, радиальное вскрытие пласта, бурение горизонтальных скважин, методы воздействия на призабойную зону пласта. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан¹ ставит важные задачи по «...широкому внедрению в производство рентабельных технологий, повышению производительности труда в отраслях экономики и развитию производства для вывода производственной деятельности на новый технологический уровень». В связи с этим, имеет важное значение совершенствование технологий добычи нефти и разработка новых, соответствующих геолого-физическим условиям на поздней стадии эксплуатации нефтегазоконденсатных месторождений, что позволит увеличить уровень остаточных запасов нефти.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»² и №УП-4707 от 4 марта 2015 г. и Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2822 от 9 марта 2017 г. «Об утверждении Программы по увеличению добычи

¹Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

углеводородного сырья на 2017-2021 годы», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Совершенствованию и разработке технологий извлечения нефти из нефтегазоконденсатных месторождений посвящено большое количество теоретических, промысловых и экспериментальных исследований.

Изучению эффективности предложенных технологий добычи нефти в различных геолого-физических условиях нефтегазоконденсатных месторождений посвящены работы Р.С. Хисамова, А.Ф. Яртаева, Д.Г. Антониади, О.М. Керимова, А.А. Макеева, А.Х. Шахвердиева, А.Г. Рзаева, А.М. Акульшина, В.С. Бойко, И.Т. Мищенко, Т.Е.В. Nind, Ю.В. Зайцева, А.Х. Ибрагимова, Ф.С. Абдулина, М.Л. Сургучева, В.И. Колганова, А.В. Гавура, В.А. Ихтисанова, Ф.И. Котюхова, В.Н. Кошелева, В.Д. Лысенко, А.И. Четыркина, В.И. Азаматова и др.

